

Холбоева Гулзира Рустамжоновна
Бухоро давлат техника университети
мустақил изланувчиси

УРУШДАН КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА БУХОРО ВИЛОЯТИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ (1946-1950 йй.)

Аннотация. Мақолада 1946-1950 йилларда Бухоро вилояти қишлоқ хўжалигининг урушдан кейинги тикланиш жараёнлари таҳлил қилинган. Машина-трактор станцияларининг қишлоқ хўжалигини техник жиҳатдан таъминлашдаги ўрни, улар фаолиятида кузатишган муаммолар ҳамда моддий-техник база ҳолати архив манбалари асосида таҳлил қилинган. Тадқиқот натижалари Бухоро вилояти қишлоқ хўжалигининг урушдан кейинги ривожланиш хусусиятлари ва модернизация жараёнларини баҳолаш имконини беради.

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги, пахтачилик, машина-трактор станциялари, механизация, колхозлар, трактор парки, моддий-техник база.

СЕЛЬСКОЕ ХОЗЯЙСТВО БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ В ПОСЛЕВОЕННЫЕ ГОДЫ (1946-1950 гг.)

Аннотация. В статье проанализированы процессы послевоенного восстановления сельского хозяйства Бухарской области в 1946-1950 годах. На основе архивных источников исследованы роль машинно-тракторных станций в техническом обеспечении сельского хозяйства, проблемы их функционирования, а также состояние материально-технической базы отрасли. Результаты исследования позволяют оценить особенности развития сельского хозяйства Бухарской области в послевоенный период и процессы его модернизации.

Ключевые слова: сельское хозяйство, хлопководство, машинно-тракторные станции, механизация, колхозы, тракторный парк, материально-техническая база.

AGRICULTURAL DEVELOPMENT OF THE BUKHARA REGION IN THE POST-WAR PERIOD (1946-1950).

Abstract. The article analyzes the processes of post-war recovery of agriculture in the Bukhara region during 1946–1950. Based on archival sources, the study examines the role of Machine and Tractor Stations (MTS) in the technical support of agriculture, the problems encountered in their operation, and the condition of the material and technical base of the sector. The research findings make it possible to assess the specific features of agricultural development in the Bukhara region during the post-war period and the processes of its modernization.

Keywords: agriculture, cotton growing, Machine and Tractor Stations (MTS), mechanization, collective farms, tractor fleet, material and technical base.

Кириш. Иккинчи жаҳон уруши тугаши билан совет ҳукумати олдида кечиктириб бўлмас ижтимоий-иқтисодий муаммолар юзага келди. Айниқса, 1946-йилда кузатишган кучли қурғоқчилик мавжуд вазиятни янада кескинлаштирди. Табиий офат уруш талофатлари билан қўшилиб, мамлакат миқёсида очарчилик хавфини келтириб чиқарди. Саноат соҳасидан фарқли равишда қишлоқ хўжалиги табиий омилларга – гармисел, дўл, сел ва баҳорги совуқ уришларга тўлиқ қарам эди. 1946-йилда СССР бўйича дон экинларининг ўртача ҳосилдорлиги 4,6 ц/га ни ташкил этди. Бу ҳолат Украина, Молдавия ва РСФСР ҳудудларида оғир ижтимоий оқибатлар, жумладан очарчиликка олиб келди.

Ўша вақтда Украина КП(б) Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Н. С. Хрущёв И. В. Сталинга йўллаган мактубидажойлардаги аҳвол ниҳоятда оғир, ҳатто одамхўрлик ҳолатлари учраётганини қайд этган[1. – С.396]. Бу эса марказий ҳукуматни қишлоқ хўжалигини тиклаш ва уни давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлантиришга мажбур қилди.

1947-йилда ВКП(б) Марказий Қўмитаси пленумларидан бири айнан қишлоқ хўжалиги муаммоларига бағишланди. Унда институционал ўзгаришлар, ғалла етиштиришни кўпайтириш, республикалар ихтисослашувини чуқурлаштириш масалалари муҳокама қилинди. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон ССРда пахтачиликни механизациялаштириш ва ҳосилдорликни ошириш устувор вазифа сифатида белгилаб берилди. Қишлоқ хўжалиги машиналарини, аввало пахтачилик учун мўлжалланган техникалар – культиваторлар, ғўзапоя қирқувчи агрегатлар, пахта териш машиналари ишлаб чиқаришни оммавий йўлга қўйилади. Шунингдек, пахтачиликда оғир қўл меҳнатини механизациялаш мақсадида янги турдаги машиналар (пахта териш ва курак машиналари, пахта хом ашёни тозалаш ускуналари), қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашиш воситалари ҳамда чорвачиликда меҳнатни механизациялашга қаратилган машиналар ва аппаратлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирилади[2. – С. 205]. Амалий натижалар ҳукуматнинг қишлоқ хўжалиги машиналари, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва кўпайтириш республикалар саноат корхоналарида сезиларли даражада кенгайтирди. Аммо, партия ҳаракатлари ишлаб чиқаришдан кўра, мавжуд техникаларни таъмирлаш ва иш унумдорлигини оширишга қартилгани билан ажралиб турди. Жумладан, саноат корхоналарининг машина-трактор станцияларини ўз оталиқларига олиб, қишлоқ хўжалигини техник жиҳатдан таъминлаш ва пахтачиликни механизациялашда колхозларга ёрдам кўрсатишларини тавсия этди. Саноат корхоналари МТСларни тақчил эҳтиёт қисмлар ва тракторлар ҳамда бошқа машиналар учун зарур бўлган бутловчи қисмлар билан таъминлади. Бу тадбир янгилик эмасди, 1944-йилда февраль ойининг бошида шаҳар партия қўмитаси бюроси Бухоро, Ромитан, Шофиркон, Қизилтепа ва Свердлов районларидаги 51 та колхоз шаҳар саноат корхоналари томонидан оталиққа олиш тўғрисида қарор қабул қилганди. 1944-йил давомида шаҳар саноат корхоналари томонидан машина-трактор станцияларига (МТС) 46 мингдан ортиқ трактор эҳтиёт қисмлари ҳамда турли хил қишлоқ хўжалиги асбоб-ускуналари тайёрланиб, етказиб берилди[3. – С. 42].

Областда қишлоқ хўжалигида яққол ифодаланган пахтачилик йўналиши ажралиб туради. Хўжаликнинг иккинчи муҳим тармоғи чорвачилик ҳисобланади. Ипакчилик, боғдорчилик, узумчилик ҳамда сабзавот-полизчилик эса пахтачилик ва чорвачилик билан бир қаторда қишлоқ хўжалиги мажмуасини тўлдирувчи соҳалар сифатида намоён бўлади. Жами: 15 та район бепоев яйловлар билан бир қаторда йирик суғориладиган ерларга ҳам эга. Шу сабабли мазкур районларда колхоз ишлаб чиқариши пахтачилик ва қоракўлчилик йўналишида шаклланди. Биргина Томди райони бундан мустасно, унда суғориладиган ерлар мавжуд эмас, шу боис истиқболда қоракўлчилик колхоз ишлаб чиқаришининг асосий ихтисослашуви сифатида ривожланади.

Урушдан сўнг, хусусан, 1946-йилдан эътиборан пахта ишлаб чиқаришни кенгайтиришга катта аҳамият берилди. Пахтачиликни юқори даражада ривожлантиришга эришиш учун пахта экиладиган майдонларни кескин кенгайтириш ва ҳосилдорлигини ошириш зарур эди. Шубҳасиз, пахта экиладиган майдонлар узлуксиз равишда ўсиб борди. Агар 1928-йилда бу кўрсаткич 1913- йилга нисбатан 2,4 баробарга ошган бўлса, 1940-йилга келиб 4,2 баробарга, 1955-йил эса 1913-йилга нисбатан 4,5 баробарга кўпайди[4. – С. 115].

Табий-ки, белгиланган вазифалар кўлами ҳам мунтазам кенгайиб борди. Биринчидан, пахтачиликда алмашлаб экиш тартиби жорий қилиниб, пахта ва беда экиладиган суғориладиган ерлар майдони қарийб 600 минг гектарга ошади ва 5–6 йил мобайнида пахта хомашёсини 2,5 баробар кўпайтирилади. Иккинчидан, пахта ҳосилдорлигини гектарига 25 центнерга етказилади. Бу юқори агротехника талабларини қатъий қўллашни тақозо этди. Учинчидан, пахтачилик билан бир қаторда ғаллачилик, қанд

14 лавлаги, сабзавот, полизчилик ва бошқа тармоқларнинг қолоқлигини бартараф этиш, ушбу соҳаларда ҳам ҳосилдорликни оширилади.

Қишлоқ хўжалиги асосан ерга таянадиган соҳа бўлиб, уни механизациялаштимасдан туриб, оммавий коллективлаштиришни амалга ошириш ёки колхоз ишлаб чиқаришини ривожлантириш мумкин эмас эди. Қишлоқни давлат томонидан назоратга олишнинг йирик тадбирларидан бири машина-трактор станцияларини (МТС) ташкил этиш этилди. МТСлар қишлоқ хўжалигини техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ва уни социалистик асосда реконструкция қилишнинг воситасига айланди. Улар совет давлатининг йирик коллектив қишлоқ хўжалигини юқори техник база асосида ташкил этиш шакли бўлиб, бунда колхоз оммасининг ташаббускорлиги давлатнинг ташкилий ва техник ёрдами ҳамда раҳбарлиги билан уйғунлаштирди.

Ўзбекистонда, жумладан Бухоро областьюда илк машина-трактор станциялари 1930-йилда ташкил топди. Бироқ мазкур МТСлардаги трактор парки асосан хорижий маркали, қуввати паст тракторлардан иборат эди. Биринчи беш йилликнинг сўнгги йиллари ва иккинчи беш йиллик даври янги МТСларни жадал суръатларда барпо этиш ҳамда аввал ташкил этилганларини мустаҳкамлаш билан характерланди. Бу йилларда Бухоро областьюда 17 та янги МТС ташкил этилди. 1937-йилда МТС тракторлари томонидан 706 минг гектар шартли ҳайдов ишлари бажарилди, ўртача ҳисобда бир шартли 15 от кучига тенг трактор ҳиссасига 385 гектар тўғри келди. Бир гектар шартли ҳайдовнинг таннарни 39 рублни ташкил этган[5. – С. 16].

1946-йилда республика МТСлари томонидан колхозларда 5,7 млн гектар ҳажмида трактор ишлари бажарилди. 111 та МТСда тракторларнинг иш унуми 1945-йилга нисбатан 30 фоизга ошди[6. – С.125]. 1947-йилда совхозларда 7,7 млн гектар ҳажмида трактор ишлари амалга оширилиши режалаштирилди, бу 1946-йилга нисбатан 24 фоизга кўп эди. Ҳар бир тракторнинг йиллик иш унумини 400 гектарга етказиш лозим эди. Шу билан бирга, экин майдонларини кенгайтириш, пахта ҳосилдорлигини 13,6 центнердан 17 центнерга ошириш, бир йил ичида 260 минг гектар ерни ўзлаштириш (жумладан 1944–1945 йилларда бажарилмай қолган режаларни ҳисобга олган ҳолда-дисс), беда майдонларини 355 минг гектарга етказиш каби вазифалар белгиланди. Ирригация ва мелиорация соҳасида Каттақўрғон сув омборини кенгайтириш, Шимолий Тошкент ва Душанбе–Қоратоғ каналларини қазиш каби йирик лойиҳалар амалга оширилиши кўзда тутилди[7].

Бироқ марказ қарорларнинг жойлардаги ижроси жиддий муаммолар билан кечди. Хусусан, Бухоро областьюда 1946-йилда пахта ҳосили бўйича белгиланган режа бажарилмади: ҳар гектардан 14,2 центнер ўрнига 11,3 центнер ҳосил олинди. Давлатга 22 минг тонна пахта топширилмай қолди. Асосий сабаблар сифатида МТС ва трактор ишларига етарли эътибор берилмагани, механизация даражасининг пастлиги, ишчи кучи танқислиги, ижтимоий-сиёсий ва молиявий муаммоларни кўрсатиш мумкин.

1946-йилда Бухоро областью МТСлари трактор ишлари йиллик режасини атиги 82,7 фоизга бажарди. Бир тракторнинг кунлик иш унуми 3–3,3 гектарни ташкил этди, Свердлов МТСда 2,2 гектар, Когонда эса 1,6 гектарнида иборат. Шу йил 1 январга қадар тракторларни капитал ва жорий таъмирлаш режаси тахминан 30 фоизга бажарилди. Қизилтепа МТСда капитал таъмир режаси 10 фоиз, жорий таъмир режаси 20 фоизга амалга оширилди. Бухоро 2-МТСда аҳвол бундан яхши эмас эди. Ромитан 2-МТСда таъмирлаш ишлари бор-йўғи 9 фоизга амалга оширилди. Аслида эса 16 февралга қадар 726 тракторни капитал ва жорий таъмирдан чиқариш, 470 машинани техник кўрикдан ўтказиш ва 153 тракторни тиклаш зарур эди. Аммо, МТС директорларининг техникани марказий таъмир базаларига ўз вақтида етказмади. Кўпчилик МТСларда таъмир устахоналари етарли даражада тайёрланмаган, бригада-узел усулида иш олиб бориш учун ташкил этилган бригадалар таркиби тўлиқ шакллантирилмади. Айниқса, Олот, 1-Ромитан, 1-Вобкент ва 2-Бухоро МТСларидаги аҳвол қониқарсиз деб баҳоланди[8].

1947-йилда область пахта майдонларини 117 минг гектардан 129 минг гектарга етказиш ва ҳосилдорликни 3–4 центнерга ошириш мажбуриятини олди. Бу ишда МТСлар

фаолияти ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бироқ архив ҳужжатлари кузги шудгорлаш режаси атиги 49,7 фоизга бажарилганини кўрсатади. Область раҳбарияти бу ҳолатни жиддий танқид қилиш ўрнига, асосий эътиборни баҳорги ҳайдовга техник тайёргарликни таъминлашга қаратди.

Шу мақсадда МТСлар шаҳар саноат корхоналари оталиғига бириктирилди. Корхоналарга эҳтиёт қисмлар тайёрлаш ва етказиб бериш, мутахассис ишчи кучини юбориш мўлжалланди. ЎзК(б) Бухоро шаҳаркоми котиби Умурзоқов томонидан 15.144 дона эҳтиёт қисм тайёрлангани ва 1.315 тонна ёнилғи етказилгани маълум қилинди. Бироқ режага мувофиқ шаҳар корхоналари 92. 800 дона эҳтиёт қисм тайёрлаб бериши лозим эди[9]. Демак, амалий натижалар режадан анча ортда қолди.

Область техник экинлар бўлими агрономи томонидан МТСлар фаолиятига оператив раҳбарлик қилинган бўлса-да, назорат тизими етарли самара бермади. Комплекtsiz машиналар тикланмади, айрим ҳолларда кўзбўямачиликка йўл қўйилди, баъзи колхозларда пахта экиш режаси камайтирилди. Шофиркон райони мисолида шаҳар корхоналарининг ёрдами узлуксиз таъминланмагани қайд этилди.

Шу тарика, 1946-1947-йилларда Бухоро области қишлоқ хўжалиги республика томонидан белгиланган юқори кўрсаткичларга қарамасдан, моддий-техник база, таъмир ишлари, кадрлар ва ташкилий бошқарув соҳаларидаги жиддий муаммолар таъсирида фаолият юритди. Бу ҳолат кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш сиёсатини янада чуқурлаштириш ва механизация жараёнларини кучайтириш заруратини юзага келтирди. Ўзбекистон ССР мазкур мажбуриятни бажариш учун барча имкониятларни ишга солди. 1948-йилда пахта ҳосилдорлиги гектарига 972.321 *га* етди (бу 1947-йилга нисбатан 56.772 гектарга кўпдир). 9100 минг тонна маҳаллий ўғит солинди, бу 1947-йилга нисбатан 40 фоизга кўп демакдир. Шунингдек, пахтачиликни ривожлантиришга хизмат қилган бошқа чора-тадбирлар ҳам амалга оширилди.

1948-йилда МТСларга 257 та янги трактор, 2724 та трактор плуги ва 150 та автотиркама етказиб берилди. Натижада МТСлар фаолияти анча яхшиланди. Ерни юмшатиб ҳайдаш бўйича трактор ишлари ҳажми 1947-йилдаги 7002 минг *га* 1948-йилда 7615 минг *га* етди. Шу билан бирга, республика 1948-йилда ҳам давлат режасига мувофиқ ўз мажбуриятларини бажара олмади. Режада белгиланган 1684,3 минг тонна хом ашё ўрнига 1519,0 минг тонна пахта топширилди, яъни режа 90,2 фоизга бажарилди. 1948-йилда Ўзбекистонда пахта ишлаб чиқариш ҳажми 1940-йилги кўрсаткичлардан ошиб кетди. Айниқса, Сурхондарё областида 1948-йилда 1941-йилга нисбатан 4384 *га* кўп ерга пахта экилиб, гектарига 19 *ц* ҳосил олинди (1941-йилда 17 *ц*). Бухоро области давлатга пахта топшириш режасини бажарди. Умуман, 1948-йилда 1941-йилга нисбатан 3 фоизга кам пахта етиштирган бўлса, Бухоро области – 1,9 фоизга кам натижа кўрсатди[10. – С.129].

Область	Йиллар бўйича пахта экин майдонларининг ўсиб бориши (<i>га</i>)				
	1946	1947	1948	1949	1950
Бухоро	119 482	131 619	134 297	137 790	138 590

1940-йилда Бухоро областининг қишлоқ хўжалигида пахта ҳосилдорлиги 10,4 *ц/га* етказилиб 132,3 минг тонна пахта хомашёси давлатга топирилган бўлса, 1946-йилда мос равишда ҳосилдорлик 11,2 *ц/га* етди, 133,6 минг тонна пахта хомашёси ишлаб чиқарилди [11. – С. 42]. Бухоро области партия кўмитаси 1948-йилда қолоқ колхозларнинг хўжалик фаолиятини мустаҳкамлаш мақсадида 50 нафар коммунист ва 820 нафар комсомолни доимий ишга юборди.

Қишлоқ хўжалик соҳаси 4-беш йиллик мобайнида рақамларда ижобий ўзгаришлар қайд этилган бўлса-да, бир қатор ҳал этилиши зарур муаммолар кўндаланг бўлиб турарди. Область ижроия кўмитаси қайд этадики, район ижроия кўмиталари ва жойлардаги қишлоқ хўжалиги органлари ўтган йилларда йўл қўйилган хатоларни такрорлашда давом этмокдалар. Областининг бир қатор районларида, айниқса, Кармана, Қизилтепа ва Бухоро

- 16 районларида 1949-хўжалик йилида қолоқ колхозларга ёрдам кўрсатиш чора-тадбирлари режасини ишлаб чиқишга жиддий ёндашилмаган. Ишлаб чиқилган режаларда кўпгина иш турлари формал, юзаки белгиланган бўлиб, уларнинг бажарилиши, хусусан, пахта экиш ишлари белгиланган муддатларга нисбатан анча кечикиш билан амалга оширилган.

Хулоса. 1946-1950 йилларда Бухоро вилояти қишлоқ хўжалиги урушдан кейинги тикланиш ва ривожланиш жараёнларини бошдан кечирди. Бу даврда пахтачиликни кенгайтириш, экин майдонларини ошириш ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Машина-трактор станциялари қишлоқ хўжалигини техник жиҳатдан таъминлашда муҳим ўрин тутган бўлса-да, улар фаолиятида моддий-техник таъминотнинг етишмаслиги, таъмирлаш ишларининг суғлиги ва ташкилий муаммолар сақланиб қолди.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, 1940-йилларнинг иккинчи ярмида пахта майдонлари ва ишлаб чиқариш ҳажми ўсган, механизация даражаси ортган ҳамда қишлоқ хўжалигини тиклаш бўйича муайян натижаларга эришилган. Бироқ соҳадаги тизимли муаммолар, жумладан техник ресурслар танқислиги, кадрлар етишмовчилиги ва бошқарув камчиликлари қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишини чеклаб турган. Шу боис мазкур давр Бухоро вилояти қишлоқ хўжалигида тикланиш билан бир қаторда кейинги модернизация жараёнлари учун замин яратган муҳим босқич сифатида аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Советское крестьянство: краткий очерк истории (1917–1970). – М., 1973. – С. 396.
2. **Ризаев Г. Сельское хозяйство Узбекистана за 40 лет. – Ташкент: Госиздат Узбекской ССР, 1957. – С. 205.**
3. В. Г. Сааков. Бухара: история и современность. Бухара-1990. – С. 42.
4. Народное хозяйство Узбекской ССР. Статистическое управление Узбекской ССР, Издатель Гос. Статистическое изд-во, 1957. – С. 115
5. Шарипов, А. Победа колхозного строя в Бухарской области. – Т., Госиздат УзССР, 1958. – С.16
6. Народное хозяйство Узбекской ССР. Статистическое управление Узбекской ССР, Издатель Гос. Статистическое изд-во, 1957. – С. 125
7. Правда Востока 1947 йил, 14 февраля.
8. Бухоро вилоят давлат архиви 1023-фонд, 1-рўйхат, 256-йиғма жилд, 65-варақ
9. Бухоро вилоят давлат архиви 1184-фонд, 1-рўйхат. 456-йиғма жил, 89-варақ
10. Ризаев Г. Сельское хозяйство Узбекистана за 40 лет. – Ташкент: Госиздат Узбекской ССР, 1957. – С. 219
11. Народное хозяйство Бухарской области. Статистический сборник, Бухара -1967. – С. 42